ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

1

2019

Тошкент

Пулатов Д.Х., Хурозов З.К. Олий таълим муассасаларини ҳамда улар ҳузуридаги таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари 124

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР
ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

Киясов Ш.У. К вопросу совершенствования налогообложения доходов физических лиц в Республике Узбекистан 127

КИЧИК БИЗНЕС
МАЛЫЙ БИЗНЕС

Кувандиков Ш.О. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга нисбатан методологик ёндашув 134

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИКА ТРУДА

Ҳусанова Г.С. Ҳудудларда реал секторни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш (Наманган вилояти миослида) 140

Олимов М.К. Ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш: ўзига хос жиҳатлар ва асосий омиллар 144

Зикрияев З.М. Ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш 148

Зулунова Ф.А. Формирование кадрового резерва организации – как элемент эффективного управления персоналом 154

Азизова С.Ҳ. Меҳнат интизомини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари 157

Ҳусенов С.Ў. Инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим сифатини оширишнинг объектив зарурлиги 163

Шомиев Г.У. Некоторые вопросы оценки человеческого капитала: методы и инструменты 171

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ
ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЙ

Абдужаборова М.Т. Корхона фойдасини бошқариш ва таҳлил этишнинг аҳамияти 177

ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ

Отакузиева З.М., Акрамова Г.А., Сримбетова Д.А. Сравнительная характеристика традиционной и электронной торговли 181

СТАТИСТИКА
СТАТИСТИКА

Турғунов Т.С. Аҳоли турмуш даражасининг ривожланишини статистик баҳолаш: миллий ва халқаро тажриба 189

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Қулматова С.С. Ҳудуд қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши техника таъминотини эконометрик баҳолаш 195

Ашурметова Н.А., Турсунов Ш.А. Чорвачилик тармоғидаги инновацион жараёнларнинг самарадорлигини баҳолашга нисбатан асосий ёндашувлар 201

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилишини бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари 207

РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ
РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ

Мирзаев А.Т. Туристик хизматлар бозорида рекреацион туризм хизматларига талабнинг ўзгаришлар таҳлили 214

1-сон
2019

меҳнат шартномалари асосида ишлаётган ходимларга нисбатан қўлланилади;

- интизомий жазо чоралари ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бузган ҳоллардагина қўлланилади;

- ходимнинг интизомга хилоф ҳаракат қилган бўлса ҳам интизомий жазо чорасини қўллаш-қўлламаслик масаласи иш берувчи томонидан ҳал қилинади;

- интизомий жазо чоралари қўллашга фақат иш берувчиларгина ҳақли бўладилар;

- интизомий жазо чоралари қўллаш тартиби ва муддатлари бошқа жазо чораларини қўллашдан фарқ қилади;

- интизомий жазо олганлик муддатлари иш берувчилар томонидан мустақил равишда ёки меҳнат жамоасининг илтимосномасига кўра, муддати ўтмасдан ҳам иш берувчи томонидан олиб ташланиши мумкин.

Бугунги кунда интизомий жазо чораларини қўллашда айрим муаммоли вазиятлар борлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, ходимнинг интизомга хилоф ғайриҳуқуқий ҳаракатларини "ҳуқуққа хилофлик" нуқтаи назаридан баҳолаш мезонлари аниқ эмас. Шунингдек, айрим ҳолатларда ходим томонидан ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги фактини расмийлаштириш, исботлаш воситалари аниқ ҳуқуқий ечимига эга эмас. Ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг бошқа жазо турларига қўллаш учун асос бўладиган исботлаш воситаларига нисбатан жуда соддалиги боис баъзида судлар томонидан интизомий жазо чоралари ғайриқонуний қўлланилган деб топилишига олиб келиш ҳоллари кузатилмоқда. Бундан ташқари, ходимнинг интизомга хилоф ҳаракати учун таъсир чораларини қўллашга бир пайтда ҳам иш берувчининг, ҳам бошқа ваколатли органларнинг ҳуқуқи масаласи аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ходимларнинг ҳуқуқларини юқори даражада ҳимоя қилиш учун иш берувчиларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларини таъминлаш, хусусан, корхона ва ташкилотларда ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилиши ва улардан ходимларни хабардор қилишга алоҳида қатъий талаб қўйилиши лозим.

Корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда юқори натижаларга эришишда интизомий жазо чораларини қўллашда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш меҳнат интизомини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар:

1. Гершанов Е.М. Отвечаем на вопросы о трудовой дисциплине /Е.М. Гершанов, М., «Знание», 1985. – С.11

2. Шкатула В.И. Настольная книга менеджера по кадрам / В.И. Шкатула, М., 1998. – С.98

3. Курилов В.И. Личность. Труд и право / В.И. Курилов. М., «Юридическая литература», 1989. – С.263

4. Шишко Г.Б. Трудовая дисциплина (монография) / Г.Б. Шишко, Общественное объединение «Молодежное научное общество», Мн., 2000. – С.49

5. Долгова А.И., Коробейников Б.В., Кудрявцев В.А., Панкратов В.В. Понятие советской криминалистики / А.И. Долгова и др. «Советское государства и право», № 9, М., 1986. – С.77-82

6. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги 2001 йил 29 августдаги қонунининг (янги таҳрирда) 48-моддаси.

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Ҳусенов Содиқ Ўлмасович –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, докторант

Аннотация. *Инсон капитали ҳар бир мамлакат миллий бойлигининг муҳим ва ажралмас қисми, иқтисодиётнинг узоқ муддатли ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунга кўра тақдим этилаётган мақолада муаллиф томонидан инсон капитали бўйича кўпгина олимлар ва илмий тадқиқотчиларнинг илмий ишларини ўрганилган. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фикр юритган. Қолаверса, муаллиф глобал инсон капитали индексини ҳисоблаш ва унинг мамлакатимизда ҳам жорий этиш масаласига алоҳида тухталган.*

Асосий тушунчалар: *инсон капитали, олий таълим муассасаси, таълим сифати, инновация, инновацион иқтисодиёт, билим, кўникма, тажриба.*

Аннотация. *Человеческий капитал является одной из важнейших и незаменимых частей национального богатства каждой страны, одним из ключевых факторов долгосрочного экономического роста. Соответственно, автор проанализировал научные труды многих ученых и исследователей о человеческом капитале. Кроме того, рассматриваются меры, принятые для повышения качества высшего образования в развитии человеческого*

миллаштириш ҳисобланади ва амалда барча мамлакатлар ўз олдиларига таълим ва фанни ривожлантиришни ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қўймоқда ва ушбу мақсадларга салмоқли моддий воситалар ажратмоқдалар[8]. Ҳақиқатдан ҳам нафақат, алоҳида бир шахс, балки бутун давлат тақдири шу давлат аҳолисининг таълим даражасида боғлиқлиги аёнлашмоқда. Иқтисодий нуқтаий назардан, таълим соҳасига қилинган инвестициялар ўзини жуда тез муддатда оқлайди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, таълим тизимидаги 1 долларлик харажат 3-6 доллар дарамод келтиради[14].

Мамлакатимизда ҳам инсон капитали шаклланиши ва ривожланиши учун ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштириш учун Давлат бюджети харажатларининг 55,2 фоизи[15] миқдорида маблағ сарфланди. Ижтимоий харажатларнинг 58,7 фоизи[15] таълим тизимини сақлаш ва ривожлантиришга ҳамда 26,9[15] фоизи соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига сарфланганлиги мамлакатда инсон капиталини ўстиришга ва аҳоли саломатлигини таъминлашга бўлган эътибордан далолат эканлиги алоҳида таъкидлаш, мақсадга муофиқдир.

Мамлакатимизда инсон капиталини шакллантиришда олий таълим тизимининг ўрни катта аҳамият касб этади. Шунинг учун олий таълим сифатини ошириш, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, пировардида истеъдодли мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар струтегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлан-тиришнинг устувор йўналишлари" деб номланган бандидаҳам алоҳида белгилаб берилгани бежизга эмас албатта.

Ҳозирги даврда инсон капиталини ривожлантиришда таълим тизими ўрни масалалари билан кўпгина олимлар ва илмий тадқиқотчилар шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, Дж. Минцер (1958й) ўзининг "Инсон капитага инвестициялар ва даромаднинг шахсий тақсимланиши" асарида олинган касбий таълим нуқтаий назаридан индивидлар ўртасидаги фарқлар асосида даромадларнинг шахсий тахсимланишинг хусусиятларини тушунтирувчи модел яратган[16].

Т.Шульц (1960й) "Таълим капитал шаклланишининг манбаси сифатида" номли илмий ишида таълимга ва ўқиш вақтида меҳнат қийматига харажатлар асосида иш кучининг қийматини баҳолаш усуллари хусусида назарий фикрларини айтиб ўтган[17]. У АҚШ иқтисодиётида инсон капиталидан олинадиган фойда физик капиталдан ортиқлигини исботлаб берди ва ривожланаётган мамлакатларни таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасига йирик инвеститциялар ажратишни таклиф қилди. Т.Шульц бу соҳаларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун янги фабрика ва заводлар қуришдан афзалроқ деб ҳисоблади[18].

Э.Денисон (1962й) ўзининг "Иқтисодий ўсишда билимнинг ҳиссаси: давлатлараро таҳлил" номли илмий ишида иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда АҚШда жон бошига даромаднинг ўсишининг 15-30 фоизи ишчи кучи таълим даражасининг ошиши билан боғлиқлигини аниқ таҳлиллар билан исботлар берган. Денисон фикрига кўра инсон капиталига йўналтирилаётган харажатлар фактори бирламчи омил эмас, балки уларнинг натижавий сифат кўрсаткичлари иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир. Денисон 1929-1982 йиллар оралиғидаги Америка иқтисодиётини таҳлил қилади ва иқтисодиётда ишчи кучи сифатини юқори ўринга қўяди. Денисон изланишлари хулосасига кўра, ишчи кучи сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий омил бу таълим тизими ҳисобланади, яъни таълим тизими инсон капитали шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омил деб, ҳисобланади[19].

С.Г. Струмилин (1963й) "Меҳнат иқтисодиётининг муаммолари" номли асарини 3, 5 жилдида олий таълим юртларида асосан ишчи ва деҳконлардан чиққан кам даромадли кишиларни ўқитишнинг юқори самарадорлиги исботлаб берган. Бепул олий таълимнинг ва талабаларни давлат ҳисобидан таъминланишининг ўзини қоплашини исботлаган[20].

Чикаго университетида Т.Шульцнинг хамкасби бўлган Г.Беккер (1964й) "Инсон капитали: назарий ва эмпирик таҳлил" номли асарида олий таълимнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқади[21]. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан асосий фарқи дейди, Беккер, биринчидан, инсон капиталининг ўз эгаси шах-

рисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июль "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июнь "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2018 йил 21 сент-ябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сонли Фармонини қабўл қилиниши юртимизда инсон капиталини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Ушбу Стратегиянинг асосий мақсади инсон капиталини мамлакатнинг жаҳон саҳнидаги рақобатбардошлик ва инновацион тараққиёти даражасини аниқлаб берувчи асосий омили сифатида ривожлантириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган дастлабки чора-тадбир "барча даражаларда таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш тизими мослашувчанлигини таъминлаш"[27], деб белгиланган. Айниқса, ПҚ-3775-сонли қарорда олий таълим муассасаларини ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар конкрет қўйилган[28], хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизимини яратиш зарур;

учинчидан, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда имкониятини оширади;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш;

олтинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштирокини йўлга қўйиш зарур;

еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга хизмат қилади ва юқорида белгиланган муаммолардан келиб чиқиб 2018-2020 ўқув йиллар оралиғида қўйидаги ишларни амалга оширилиши белгиланди. Жумладан, айрим йўналишларда бакалавр – 3 йил, магистратура – 1 йил бўлади; абитуриентлар ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш тизими босқичма-босқич яратилади; кириш имтиҳонларидаги тест саволлари тайёрлаш услубларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқилади; илғор халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳоказо) сертификатларига эга бўлган абитуриентларга тегишли фанлардан белгиланган энг юқори балл бериш ва ушбу фанлар тест синовидан озод қилиш тартиби жорий қилинади; Ўзбекистон ва хорижий ОТМларнинг ўзаро келишуви ҳамда қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ва икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиёти жорий этилади; хорижий фуқаролар бакалавриатга квотадан ташқари суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилинади; Ўзбекистонда ўқиш истагини

ди[29]. Бу албатта олий таълим тизимини келгусидаги шахс, жамият ва давлат олдидаги ижтимоий мақомини янада юксалишига ва маъсулиятини ошишига сабаб бўлишига қарамасдан, хали ҳануз мамлакатимиз инсон капиталининг глобал индексини эълон қилинадиган ҳалқаро ташкилотларнинг ҳисоботларига акс этгани йўқ. Шу нуқтаи назардан олий таълим имкон қадар тезроқ жаҳон андозаларига мос келадиган инсон капитали билан боғлиқ статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқиши ва уни ҳисоблаш методология шакллантириши лозим. Маълумот учун айтиш мумкинки, 2013 йилдан бошлаб Жаҳон иқтисодий форуми ва Гарвард университети ҳамда инсон ресурслари соҳасида халқаро консалтинг компанияси (Mercer Human Resource Consulting) билан ҳамкорликда инсон капиталининг глобал индексини (Global Human Capital Index) ҳисоблаш бўйича тадқиқотларни амалга оширимоқда. Мазкур ташкилот томонидан ҳар йили турли субиндекслар орқали глобал инсон капитали индексини ҳисоблаб, маърузалар тақдим этилмоқда. Хусусан, 2017 йилда тўртта тематик субиндекслар: салоҳият, имконият, ривожланиш, ноу-хаулар бўйича ва бешта ёш гуруҳлари ёки авлодлар 0-14 ёш, 25-54 ёш, 55-64 ёш ва 65 ёшдан катталарни қамраган ҳолда ўрганиб чиқилди. Салоҳият субиндекси яхшироқ таълим олган аҳоли янги технологиялар, инновациялар ва жаҳон миқёсидаги рақобатга мослашишга кўпроқ тайёр бўлади. Салоҳият субиндекси расмий таълим олишни ишчиларнинг ёш гуруҳлари кесимида тўрт йўналишда ўрганиб чиқади. Булар аҳолининг саводхонлик ва ҳисоб китоб асосларини билиш даражаси, бошланғич, ўрта ҳамда олий ва ундан кейинги таълимни эгаллаш даражаларининг фоиз кўрсаткичларидир.

Имконият субиндекси инсон капитали нафақат расмий таълим орқали балки иш жойининг ўзида бажариш, кўникма ҳосил қилиш, ҳамкасблар билан тажриба алмашиш орқали ўрганиш билан ҳамда иш жойининг ўзида, ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда таълим бериш орқали ҳам ошириб борилади. Имконият субиндекси умуман ишчи кучи ва унинг сегментлари (аёллар, ёшлар, кекса ёшдагилар) қай даражада меҳнат бозорига жалб қилингани ҳамда уларнинг иқтисодиёт фаоллик даражасини акс эттиручи кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий фаол аҳоли таркибига ҳозирги кунда ишлаётган ва бундан ташқари иш қидираётган аҳоли ҳам киритилган. Ишсизлар гуруҳига эса ҳозирги кунда ишламаётган лекин ишлаш истаги бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли киритилган. Бу субиндекс таркибига тўлиқсиз бандлик даражаси ҳам киритилганки, у ҳозирги кунда ишлаётган лекин янада кўпроқ ишлашга хоҳиш ва имконияти мавжуд ишчи кучи миқдорини белгилайди. Бундан ташқари бу субиндекс бутун жаҳонда ўта ўткир муаммолардан бири бўлмиш жинслар ўртасидаги иқтисодий фаоллик даражасини ҳам қамраб олади.

Ривожланиш субиндекси янги авлод ишчиларининг таълим олиши ҳамда мавжуд ишчи кучини узлуксиз равишда малакасини ошириб бориш ва қайда тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади. Келажакдаги ишчи кучи ҳисобланмиш болалар ва ёшларнинг таълим олиш учун имкониятларини ҳисоблаш учун давлат миқёсида 15 ёшгача бўлганлар ҳамда 15-24 ёш гуруҳларида бўлган аҳолининг бошланғич, ўрта, олий ва ундан кейинги таълимга эга бўлганлар даражаси билан биргаликда бу кўрсаткичлар жинслар ўртасидаги натижалари ҳам таҳлил қилинади. Бундан ташқари бу субиндекс ўз ичига иккита сифат кўрсаткичини қамраб олади бўлар бошланғич таълим сифати ва таълим тизимининг рақобат муҳитидаги иқтисодий ҳамжамият, иш берувчилар талабларига қай даражада жавоб бера олишини акс эттиради.

Бундан ташқари субиндекс таркибига битирувчиларнинг мутахассисликлар бўйича маълумотлари орқали малакатнинг турли йўналишлар бўйича салоҳиятини ҳисобга олиш ҳам киритилган. Ниҳоят субиндекс Бутунжаҳон Иқтисодий Форуми ходимларнинг малакасини расмий ошириш тўғрисидаги маълумотлар асосида вояга етган ишчи кучини узлуксиз равишда, бутун фаолияти давомида, малакасини ошириб бориш билан боғлиқ кўрсаткичларни қамраб олган. Ноухау субиндекси эса илғор технологияларни яратиш билан боғлиқ билимларининг эгалланганлик даражасини акс эттиради. Бунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товар ва хизматлардаги илғор технологияларнинг улуши ҳисобга олинади. Бундан ташқари бу индекс мамлакатдаги иш берувчиларнинг иш ўринларини юқори ва ўрта малакали мутахассислар билан тўлдира олиш имкониятларини ҳам баҳолайди.

9.Topel R. Labor Markets and Economic Growth // Handbook in Economics. 1999. – T.5. – No.3 Part c

10.Becker G.S., Murphy K.M., Tamura R. Human capital, fertility, and economic growth/ Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis with Special Reference to Education. – The University of Chicago Press, 1994

11.Cooray, A.V. (2009). The Role of education in economic growth. Proceedings of the 2009 Australian Conference of Economics

12. Hanushek E.A., Kimko D.D. Schooling, labor-force quality, and the growth of nations // American economic review. – 2000

13.Beine M., Docquier F., Rapoport H. Brain drain and economic growth: theory and evidence // Journal of development economics. –2001. –T.64. –No. 1

14.Ш.Г.Акрамова. Таълим хизматларига қўйилмалар- инсон капиталига инвестициянинг асосий шакли сифатида. "Иқтисод ва таълим" №1, 2012. 136 б

15.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати маълумотлари. "Халқ сўзи" 2018 йил 1 июнь, №112. 2 б

16.Я.П.Силин. Инновационное развитие сферы услуг в национальной экономике [Текст] : [монография] / [кол. авт.] ; науч. ред.; [отв. за вып. Н. Ю. Власова] ; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. гос. экон. ун-т. – Екатеринбург : Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2016. – 339 с.

17.Schultz Th. Investment in human capital: the role of education and of research. New York, 1971.

18.Добрынин А., Дятлов С., Коунов В., Курганский С. Производительные силы человека: структура и формы проявления. — СПб.: Из-во СПбУЭФ,1993 г. — 163 с.

19.Денисон Э. Ф. Вклад знаний в экономический рост: межстрановой анализ // Советско-американский симпозиум экономистов. М. : Прогресс, 1978.

20.Струмилин С. Г. Избранные произведения : в 5 т. М. : Изд-во Академии наук СССР, 1964. Т. 3. Проблемы экономики труда.

21.Беккер Г. С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: пер. с англ. / сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшникова; предисл. М.И. Левина. М.: ГУ ВШЭ, 2003.

22.Смирнов, В.Т. Человеческий капитал: содержание и виды, оценка и стимулирование: Монография [Текст] / В.Т. Смирнов, И.В. Сошников, В.И. Романчин, И.В. Скоблякова под ред. д.э.н., профессора В.Т. Смирнова. М.: Машиностроение-1, Орел: ОрелГТУ, 2005. 70 с.

23.Becker.G. Human capital [Electronic resource]. URL: http://www.econlib.org/library/Enc/ Human Capital. html (accessed 11.06.2016).

24.Таиров Д. Воздействие человеческого капитала на экономический рост // Биржа эксперт, Тошкент. – 2012. № 5. –56-58 б.

25.Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi

26.Н. Тўхлиев. Тараққиётнинг янги стратегияси. "Халқ сўзи". 2017 йил 24 июнь. №125. 3 бет

27."2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5544-сонли Қарори. 2018 йил 21 сентябр "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори. http://www.lex.uz/docs/3765586

28. "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг қарори.Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель. http://lex.uz/docs/3171590

29.The Global Human Capital Report 2017 y, p 8

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА: МЕТОДЫ И ИНСТРУМЕНТЫ

Шомиев Голиб Уктамович -
Институт переподготовки и повышения квалификации кадров народного образования, старший преподаватель, к.э.н.

Аннотация. *Мазкур мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи инсон капиталини баҳолаш бўйича турли хил усуллар ҳамда айрим мамлакатлар бўйича инсон капитали кўрсаткичлари таснифланган. Тадқиқотда инсон капиталининг макроиқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги, инсон капиталини шакллантирувчи омиллар, инсон капиталининг иқтисодиётдаги роли ва уни қиёсий баҳолаш тажрибаси келтирилган.*

Асосий тушунчалар: *инсон, капитал, баҳолаш, индекс, инвестиция, инновация.*

Аннотация. *В статье классифицируется и анализируется разные методы по оценке человеческого капитала, основные показатели человеческого капитала некоторых стран, определяющие социально-экономическое развитие государства. Исследуется зависимость между человеческим капиталом и макроэкономическими показателями. Рассматриваются основные факторы для формирования человеческого капитала, роли человеческого капитала и даются оценки человеческому капиталу.*

Ключевые слова: *человек, капитал, оценка, индекс, инвестиции, инновации.*

Abstract. *In this article given the classifications and analyses of methods for human capital assessment, the main indicators of human capital, which will determine the socio – economic development. Researched the relationship between human capital and macroeconomic indicators. Considered the main engines of human capital development, given the roles and assessment of human capital.*

Key word: *human, capital, assessment, index, investment, innovation.*